



## Кимё дарсларида ўқувчиларда компетенцияларни шакллантиришда ўқув ўйинларининг роли ва аҳамияти

Рахматуллаева Мавлуда Сайдовна

Сурхондарё вилояти Термиз шаҳри

7-мактаб кимё фани ўқитувчиси

**Аннотация.** Мақолада кимё дарсларида ўқувчиларда компетенцияларни шакллантиришда ўқув ўйинларининг роли ва аҳамияти ҳақида сўз юритилиб, намуна сифатида «Кимёвий кубиклар» ўйини келтирилади ва ўқув ўйинларининг ўқувчиларда компетенцияларни шакллантиришда, тафаккурини оширишдаги муҳим омиллар ҳақида тўхтаб ўтилган.

Кимё таълимининг аҳамияти унинг фан-техника тараққиётида, ишлаб чиқариш соҳалари ва кундалик ҳаётда тутган ўрни билан белгиланади. Унда кимё фанини ўқитиш орқали ўқувчиларнинг илмий дунёқарашини, мантиқий фикрлай олиш қобилиятини, ақлий ривожланишини, ўз-ўзини англаш салоҳиятини шакллантириш, ўстириш, уларда миллий, умумисоний қадриятларни таркиб топтириш ҳамда ижтимоий ҳаёт ва таълим олишни давом эттиришлари учун зарур бўлган билимлар берилади.

Ўқувчиларнинг ижодий тафаккурини ривожлантириш, уларнинг ақлий қобилиятини ўстириш кимё ўқитишдаги энг муҳим психологик ва педагогик муаммодир. Бунинг учун ўқитишнинг фаол методларидан, таълим ва тарбиянинг ноанъанавий шакл ва усулларидан кенг миқёсда фойдаланиш, предмет ва ходисаларни уларнинг ўзаро алоқадорлиги, ҳаракати ва ривожланиб бориши асносида ўрганиш тақозо этилади.

Бунда, айниқса, ўқувчиларнинг ўйин фаолияти янги билимларни ўзлаштириш, уларда ўқув ва кўнилмаларни шакллантириш ҳамда ривожлантириш, умуман, кимёни ўрганиш жараёнининг самарадорлигини оширишда катта аҳамият касб этади. Дидактик ўйинлар давомида ўқувчиларда ҳосил бўладиган ижобий ҳис-хаяжон туйғуси уларни чарчашдан асрайди, уларнинг коммуникатив ва интеллектуал қобилиятини оширади.

Дидактик ўйинлардан кимё ўқитиши жараёнида фойдаланишнинг умумий масалалари илмий-методик адабиётларда анча кенг ёритилган бўлса ҳам , уларда асосий эътибор ноорганик кимё маълумотларига қаратилган. Вахоланки, органик кимёни ўзлаштириш ўқувчиларга анча қийинчилик туғдириши ва унинг баъзи масалаларини ўрганишда айнан ноанъанавий ёндашувлар талаб этилиши табиийдир. Бунинг бир катор илмий-назарий, методик ва дидактик сабаблари борки, улардан хар қандай маҳоратли ва салоҳиятли кимё ўқитувчиси ҳам қўз юма олмайди. Уларнинг айримлари қуидагилар:

1. Органик моддаларнинг сони ва турлари ноорганик моддалардан бир неча ўн марта ортиқ;
2. Органик моддалар ўз таркиби, тузилиши ва хоссалари жихатидан ноорганик моддаларга нисбатан катта фарқ қиласди;
3. Органик бирикмалар жонсиз ва жонли табиат вакиллари орасида боғловчилик вазифасини бажарадилар;
4. Ноорганик моддаларга нисбатан органик табиатга эга моддалар ва бирикмаларнинг орасида табиий, сунъий ҳамда синтетик гурӯҳ вакиллари кенг тарқалганки, уларнинг ўзига хос жихатлари ранг-барангдир;
5. Диалектиканинг объектив қонунларидан бири миқдор ўзгаришларнинг сифат ўзгаришларга айланиши қонуни органик бирикмалар орасида, айниқса, яққол намоён бўлади;
6. Органик моддалар иштирокидаги кимёвий реакциялар кўпинча ўта мураккаб механизм бўйича содир бўлади ва аксарият холларда бир неча йўналишда давом этади;
7. Органик бирикмаларни ўрганиш табиий-илмий туркумга мансуб фанлар (физика, биология, геология, физиология, медицина, минералогия, космология, биогеография, экология ва бошқалар) бўйича кучли таянч билимларни талаб қиласди ва инсоннинг шахсий ҳамда хўжалик фаолиятига кучли дахлдорлиги билан ажralиб туради.



Шунинг учун ҳам органик кимёни ўқитишида классик услуб, усул ва воситалар билан бир қаторда илғор педагогик ва ахборот технологиялари заминидаги ўқитишининг ноанъанавий усул ва шаклларидан кенг фойдаланиш талаб этилади. Айниқса, дидактик ўйинлар ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш, топқирлик, изланувчанлик, хозиржавоблик, мантиқий хуносалар чиқара олиш, ўз устида ишлаш, маълум ва номаълум жиҳатларни солиштира олиш, мавжуд билимларга таянган ҳолда мушоҳада юритиш каби имкониятларини ишга солишида катта ёрдам беради, яъни кимё фанини ўқитишида ўқувчи ёшларда компетенцияларни шакллантиришида муҳим аҳамиятга эгадир.

Шу ўринда «Кимёвий кубиклар» ўйинини мисол қилиб айтиб ўтишимиз мумкин.


Мазкур дидактик ўйинда органик моддалар гомологик қаторларидағи энг муҳим вакилларининг молекуляр формулаларини тузишни, номлашни, изомерларини ва уларнинг олинишини ҳамда кимёвий хоссаларини ифодалашни кимёвий кубиклар ёрдамида амалга ошириш тавсия қилинади. Бу усул ноорганик бирикмалар формулаларини тузишида илгари қўлланилган бўлсада, органик кимёни ўқитишида қўлланилмаган. Буни углеводородлар мисолида қўллашни қўйидагича тушунтириш мумкин.

1. Углеводородлар гомологик қатори энг муҳим вакилларининг молекуляр формуласини тузиш.


Бунинг учун кубикларни ўқувчилар билан картондан ёки ёғочдан тайёрлаш мумкин. Тайёр ҳолдаги кубиклардан фойдаланса ҳам бўлади. Ҳар бир кубикнинг 6 томонига углерод ва водороднинг кимёвий белгиси керакли индекслари билан ёзиб чиқилади. Масалан, C, C<sub>2</sub>, C<sub>3</sub>, C<sub>4</sub>, C<sub>5</sub>, C<sub>6</sub>, C<sub>7</sub>, C<sub>8</sub>, C<sub>9</sub>, C<sub>10</sub>, H<sub>2</sub>, H<sub>4</sub>, H<sub>6</sub>, H<sub>8</sub>, H<sub>10</sub>, H<sub>12</sub>, H<sub>14</sub>, H<sub>16</sub>, H<sub>18</sub>, H<sub>20</sub>, H<sub>22</sub>. Кубиклар сонини камайтириш учун биринчисига C<sub>1</sub>дан C<sub>6</sub>гача, иккинчисига C<sub>7</sub>дан C<sub>12</sub>гача, учинчисига H<sub>2</sub>дан H<sub>12</sub>гача ва тўртинчи кубикга эса H<sub>14</sub>дан H<sub>24</sub>гача ёзилади. Бундай кубиклар ёрдамида турли хил углеводородларнинг молекуляр формулаларини тузиш мумкин. Масалан:



Этан →



ёки





←Пропан

Кубикларнинг ўлчами ихтиёрий олинади. Улар хар бир элемент учун турли хил рангда тайёрланиши мақсадга мувофиқ. Ранглар ўқувчиларга формулани тезроқ тузишга ёрдам беради ва шу билан биргаликда кўргазмалиликни оширади. Тайёрланган кубиклар махсус картон идишда тартиб билан сақланади.



## 2. Кубиклар ёрдамида углеводородларнинг номларини тузиш.

Кубикларнинг 6 томонига ҳам энг зарур харфлар ва рақамлар (а, б, в, г, д, е, з, и, к, л, м, н, о, п, р, с, т, у, ф, х, ц, ч, ш, ю, я, ў, қ, ғ, ҳ, э, -, 1, 2, 3, 4, 5 ва бошқалар) ёзиб чиқилади. Зарур холда улар бир неча нусхадан тайёрланади. Бундай кубиклар ёрдамида органик моддаларнинг тарихий, рационал ва ҳалқаро номларини тузиш мумкин. Масалан:




## 3. Углеводородлар изомерларининг формулаларини тузиш.

Тузилиш формулалари учун занжирдаги хар хил углеродларни кубикнинг турли томонларига ёзиб чиқилади. Масалан,







Бунда ҳам улар зарур холда бир неча нусхада тайёрланиши мумкин. Бу кубикларни бир-бирига тўғри улаш орқали углеводородлар изомерларининг формулалари тузилади. Масалан,  $C_5H_{12}$  таркибли алкан изомерларининг формулалари қуидагича ёзилади.



н-пентан




2-метилбутан




2,2-диметилпропан

Бундай кубиклар ёрдамида углеводородларнинг номлари берилган бўлса, уларнинг формулаларини ҳам ёзиш мумкин. Масалан, бутен-2 формуласи қуидагича тузилади:




4. Углеводородлар иштирокидаги реакцияларнинг кимёвий тенгламаларини тузиш.

Кимёвий реакцияларнинг тенгламаларини тузишда ҳам формулалар ёзишда қўлланилган кубиклардан фойдаланилади. Бундан ташқари,



каби белгилар ва реагентлар акс эттирилган кубиклар ҳам ишлатилади. Буни этаннинг хлорланиш реакцияси мисолида кўрамиз:



Кубиклар ёрдамида углеводородларнинг олиниш реакциялари тенгламаларини ҳам тузиш мумкин. Улардан нафақат углеводородларни, балки тегишли кубиклар тайёрлаб кислородли ва азотли органик бирикмаларни ўрганишда ҳам фойдаланса бўлади. Бундай кубиклар хамда маълум топшириқлар асосида ўқувчиларнинг синфда ва уйда мустақил билим олишларига ҳам эришилади.

Бу кубиклар ёрдамида дидактик ўйинларни ташкил қилиш орқали ўқувчиларнинг билимларини мустахкамлашга эришиш мумкин. Бундай ўйинлар ўқувчиларнинг фанга бўлган қизиқишиларини ҳам оширади.

Углеводородлар мавзулари бўйича ўтказиладиган ўйинлар қуидагича бўлиши мумкин. Бунинг учун синф 2 жамоага бўлинади. Ўйиннинг биринчи босқичида хар бир жамоадан битта ўқувчи қатнашади. Уларга алканлар гомологик қаторининг дастлабки 10 та вакилларининг формуласини маълум вақтда кубиклар ёрдамида тузиш топширилади. Белгиланган вақт ичida энг кўп формула тузган жамоа вакили ғолиб хисобланади. Иккинчи босқичда ҳам хар бир жамоадан биттадан ўқувчи ажратилади. Улар тўйинган углеводородларнинг формулалари ёзилган топшириқ асосида ана шу моддаларнинг номларини кубиклар ёрдамида тузишади. Бунда ҳам тез ва тўғри тузган жамоа аъзоси ғолиб хисобланади. Учинчи босқичдаги топшириқ кубиклар ёрдамида изомерларни тузишдан иборат бўлади. Бунинг учун иккала ўқувчига ҳам бир хил топшириқ, масалан,  $C_6H_{14}$ нинг изомерларини тузиш берилади. Бу ўйин қоидаси ҳам олдингиси сингари бўлади. Ўйиннинг тўртинчи босқичи тўйинган углеводородларнинг олиниш усулларига бағишлиланган бўлиб, унда ўқувчилар реакция тенгламаларини кубиклар ёрдамида тузишлари керак бўлади. Бешинчи босқичда эса ўқувчиларга тўйинган углеводородлар кимёвий хоссаларини ифодаловчи реакция тенгламаларини кубиклар ёрдамида тузиш топширилади. Бунда



ҳам топшириқни тез ва тўғри бажарган жамоа аъзоси ғолиб бўлади. Ҳар бир босқичда ўқувчининг фаолияти муносиб равишда баҳолаб борилади.

Демак,айтиш мумкинки,анъанавий тарздаги ўқитувчининг фаоллиги ва барча материални тушунтиришга ҳаракат килиши билан боғлиқ бўлган дарсларнинг ўрнига ўқувчининг фаоллигини ошириш,компетенцияларни шакллантириш билан боғлиқ бўлган ноанъанавий дарсларни амалга ошириш ўқитувчининг олдидаги муҳим вазифадир. Эндиликда ўқитиши жараёнида ўқувчиларни зериктириб қўймайдиган, фикрлашга, мустақил ишлашга йўналтирадиган ҳар хил методлар ва ўқитиши воситаларидан самарали фойдаланиш муҳим ахамият касб этмоқда.

Бугунги кунда ўқувчиларни кимё фанига қизиқтириш муаммоси биринчи ўринда туради. Қизиқтириш омиллари хилма-хил бўлса хам, улар сафида дидактик ўйинлар етакчилик қиласи. Мен тавсия этаётган дидактик ўйинларни ташкил этиш ва амалиётга жорий қилиш-ижодкорлик ва изланувчанлик тамоилига бўйсунган холда амалга оширилиши лозим.

Улар ўқувчиларнинг мантиқий тафаккурини ривожлантиради, тил бойлигини орттиради ва уларни индивидуал мушоҳадага ундаиди.

## АДАБИЁТЛАР

1. Абдусаматов А., Мирзаев Р., Зияев Р. Органик кимё. Академик лицей ва қасб-хунар колледжлари учун укув кулланма. –Тошкент: Ўқитувчи, 2002. – 240 б.
2. Анварова Н. Кимё фанида компьютер дастурлари //Халк таълими.- 2002. - №4. -80-81 б.
3. Бабанский Ю.К. Хозирги замон умумий ўрта таълим мактабида ўқитиши методлари.-Тошкент: Ўқитувчи, 1990.-230 б.
4. Вивюрский В.Я. Химиядан билим олишни ва фойдаланишни ўрганайлик.- Тошкент: Ўқитувчи, 1991.-100 б.
- 5.Мавлонов О.М. Мустақил билим олиш ва ўз-ўзини баҳолаш оркали билимни назорат килиш. -Тошкент, 2001. -24 б.



6. Мавлонов О.М. Матякубова З.Н. Мустакил билим олиш ва билимни баҳолашнинг қўп ахборотли тест услуби. -Тошкент: Университет, 1995.

7. Насриддинов Т.Ю., Аскаров И.Р. Химия ўқитишида меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси.-Тошкент: Ўқитувчи, 1995.- 104 б.

8. Нишонов М., Тешабоев С. Мактабда кимёдан лаборатория ишлари.- Тошкент: Ўқитувчи, 1995.-105 б.

9. Мақсуд Жабборов . Органик кимё дарсларида дидактик ўйинлардан фойдаланиш . Методик тавсия. 2015 йил.

